

НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАРАЖАТЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ ТАННАРХИГА ТАЪСИРИ ВА ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Ушбу мақолада нодавлат таълим ташкилотларида амалга ошириладиган харажатлар, жумладан бевосита ва билвосита харажатларнинг таълим хизматларига таъсири, уларни таълим хизматлари таннархига тақсимлашнинг услубий жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобида билвосита харажатларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишдаги долзарб масалалар амалий жиҳатдан ўрганилган бўлиб, уларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга оид тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: нодавлат таълим ташкилотлари, таълим хизматлари, бевосита харажатлар ҳисоби, билвосита харажатлар ҳисоби, асосий фаолият, қўшимча фаолият, асосий бўлмаган фаолият, бошқа фаолият, молиявий ҳисобот.

УЛУЧШЕНИЕ ВЛИЯНИЯ РАСХОДОВ НА СТОИМОСТЬ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УСЛУГ В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ И БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ

Мустафоев Азимжон Фаррухович

базовый докторант Самаркандского института экономики и сервиса

Аннотация: В статье рассматривается влияние расходов негосударственных образовательных организаций, в том числе прямых и косвенных, на образовательные услуги, а также методические аспекты отнесения их на себестоимость образовательных услуг. Также на практике были изучены актуальные вопросы учета косвенных расходов и даны рекомендации по совершенствованию их учета.

Ключевые слова: негосударственные образовательные организации, образовательные услуги, учет прямых затрат, учет косвенных затрат, основная деятельность, дополнительная деятельность, неосновная деятельность, прочая деятельность, финансовая отчетность.

IMPROVING COST IMPACT AND ACCOUNTING OF EDUCATIONAL SERVICES IN NON-GOVERNMENT EDUCATIONAL ORGANIZATIONS

Mustafoyev Azimjon Farrukhovich

PhD student, Samarkand Institute of Service and Economics

Abstract. This article examines the costs incurred in non-governmental educational organizations, including the impact of direct and indirect costs on educational services, methodological aspects of their allocation to the cost of educational services. Also, actual issues in the accounting of indirect costs in accounting are studied in a practical way, and recommendations for improving their accounting are given.

Keywords: non-governmental educational organizations, educational services, direct cost accounting, indirect cost accounting, main activities, additional activities, non-main activities, other activities, financial reporting.

Кириш.

Мамлакатимизда таълим тизимини янада кўллаб-қувватлаш, хусусан таълим хизматлари фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат таълим ташкилотларида таълим сифатини ошириш, модернизациялаш, таълим беришнинг илғор педогогик технологияларни жорий қилиш, шунингдек таълим хизматлари таннархини пасайтириш орқали ижтимоий сиёсатни амалга ошириш мақсадида 2024 йил 22 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-403-сон “Таълим соҳасида хусусий сектор иштирокини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”[1]ги Қарори тасдиқланди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятига берилаётган яна бир имконият бўлиб, унда амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар белгилаб берилган.

Нодавлат таълим ташкилотлари учун мазкур норматив-ҳужжатда белгиланган энг катта ютуқ бу, албатта, таълим хизматларини амалга ошириш бўйича берилган мақсадли солиқ имтиёзлари муддатининг узайтирилиши, яъни 2030 йил 1 январгача нодавлат таълим ташкилотлари ижтимоий солиқдан бошқа барча турдаги солиқлардан озод этилганлигидир. Бу эса, ўз навбатида, нодавлат таълим ташкилотларида харажатларнинг қисқаришига, таълим хизматлари таннархининг пасайишига, ташкилот ихтиёрида қолган бўш пул маблағларини турли мақсадларга йўналтириш орқали таълим хизматлари фаолиятини янада ривожлантиришга сабаб бўлмоқда.

Нодавлат таълим ташкилотларида бундай жараёнлар, албатта, ҳисоб-китоблар орқали амалга оширилиб, ушбу жараёнлар натижаси бухгалтерия ҳисобида қайд этилиб борилади. Манашу бухгалтерия ҳисоби ахборотларини молиявий ва бошқарув ҳисоботларида аниқ ва шаффоф акс эттириш, жумладан таълим хизматларини амалга ошириш бўйича харажатлар ҳисобини юритиш, ушбу харажатларни таълим хизматлари таннархига олиб бориш тартиб-қоидаларини илғор тажрибаларга мувофиқ ташкил этиш, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда таълим хизматлари таннархини ҳар бир фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисоб ва ҳисоботини юритиш бугунги кун олдида турган энг долзарб ва муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат таълим ташкилотларида амалга ошириладиган харажатлар таркибида умумишлаб чиқариш харажатлари таркибини белгилаб олиш таълим хизматлари таннархини ҳисоблаш учун муҳим ҳисобланиб, нодавлат таълим ташкилотларида мазкур билвосита харажатлар бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича айрим муаммолар мавжуд.

Юқорида қайд этилган долзарб масалалар бўйича мазкур тадқиқот ишимизда хорижий ва маҳаллий иқтисодий адабиётларда, шунингдек бу борада илмий-тадқиқот ишлари олиб борган олимларимиз томонидан эришилган натижалар, уларнинг берган тақлиф ва тавсияларини нодавлат таълим ташкилотларида қўллашнинг аҳамияти бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди.

Адабиётлар шарҳи.

Дастлаб, халқаро ва миллий бухгалтерия ҳисоби таълимотида, тадқиқот мавзусига оид меъёрий ҳужжатларда ишлаб чиқилган тартиб-қоидалар, иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари, уларда келтирилган тавсифларни ўрганишни лозим, деб топдик. 2-сон “Захиралар” БҲХСда таннарх объектларига устама харажатлари билвосита доимий ва ўзгарувчан тарзда таъсир кўрсатиши қайд этилган бўлиб, “Доимий ишлаб чиқариш устама сарфларининг қайта ишлаш таннархига олиб борилиши ишлаб чиқаришнинг меъёрий қуввати асосида белгиланади. Ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама сарфлари ишлаб чиқариш қувватларидан ҳақиқатда фойдаланиш асосида ҳар бир маҳсулот таннархига олиб борилади”[2]. Ушбу тартиб-қоидалардан кўриниб турибдики, халқаро стандартларга мувофиқ, устама харажатлари таннархга билвосита таъсир кўрсатиб, бундай харажатлар хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобида умумишлаб чиқариш харажатлари сифатида тан олинади.

Россия Федерацияси саноат, фан ва технология вазирлигининг “Маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини режалаштириш, ҳисобга олиш бўйича

услугий регламентни тасдиқлаш тўғрисида ҳамда кимё мажмуаси корхоналарида маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини ҳисоблаш”ги буйруғига мувофиқ, умумишлаб чиқариш харажатлари таркибига қуйидаги харажат моддалари киритилган: таркибий бўлинмаларда меҳнат қилаётган бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи бўйича харажатлар, умумий ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиладиган бинолар, асбоб-ускуналар амортизацияси кўринишидаги харажатлар, уларни сақлаш, жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш, техник томондан хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар ва бошқалар[3].

Р.Ҳермансон “Кўпгина корхоналар бир турдаги ёки унга ўхшаш турдаги маҳсулотларни доимий тарзда ишлаб чиқарадилар. Ушбу жараёнда амалга оширилган харажатларни ҳисоб-китоб қилиб борадилар. Корхоналарда бундай турдаги операциялар бухгалтерлар томонидан бухгалтерия ҳисобида ҳар бир жараён ҳамда ҳар бир бўлим бўйича ҳисобга олиниши зарур. Натижада ҳисобот охирида сарфланган барча харажатлар ушбу даврда ишлаб чиқарилган бирликларга тақсимланади ва таннарх аниқланади”[4], деб таъкидлайди.

К.Друрининг “ишлаб чиқариш таннархи – бу қайта сотиш учун сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан аниқланган харажатлар”[5], деб изоҳлайди. Инглиз олимининг таъкидлашича, ушбу товар сифатида эътироф этилган тайёр маҳсулотлар реализация қилинмагунча ушбу харажатларни бухгалтерия ҳисобида тан олиб бўлмайди. Корхонада тайёр маҳсулотлар сотилгандан кейин корхона ялпи фойдасини аниқлаш мақсадида ушбу харажатлар сотишдан тушган даромадлар билан солиштирилади.

Хорижий манбаларда “умумишлаб чиқариш харажатлари – бу корхонанинг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришини сақлаш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган одатий фаолият бўйича харажатлари бўлиб, умумишлаб чиқариш харажатлари таркиби ҳар бир корхона ва ташкилот томонидан унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгиланади”[6], деб келтирилган ушбу таърифдан аниқлаш мумкинки, умумишлаб чиқариш харажатлари корхоналарда асосий фаолият натижасида вужудга келиб, асосий ва ёрдамчи фаолиятга бўйича таннархга олиб борилади. Шунингдек, ушбу таърифга мувофиқ, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш лозимдир.

Хорижий олимлар А.В.Ильина ҳамда Н.Н.Ильшевдалар “умумишлаб чиқариш харажатлари – бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларни сақлаш ҳамда бошқариш учун умумий ишлаб чиқариш цехлари харажатлари. Умумий хўжалик (ноишлаб чиқариш) харажатлари ишлаб чиқаришни бошқариш мақсадида амалга оширилади. Умумий хўжалик харажатларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ишлаб чиқариш (сотиш) ҳажмининг ўзгаришига қараб ўзгармайди. Улар бошқарув қарорлари билан ўзгартирилиши мумкин ва уларнинг қопланиш даражаси сотиш ҳажмига қараб ўзгариши мумкин”[7], деб таъкидлайдилар. Хорижий олимлар ушбу таърифда умумишлаб чиқариш ҳамда умумий хўжалик харажатларининг фарқли жиҳатларини тавсифлаб, уларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобини юритиш бўйича илмий-назарий тавсиялар ишлаб чиқанлар.

Мамлакатимиз олимлари томонидан иқтисодий адабиётларда, жумладан К.Б.Уразов томонидан келтирилган қуйидаги таърифни учратиш мумкин: “умумишлаб чиқариш харажатлари деганда барча асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларини бошқарувига ва уларни ташкил этишга таалуқли бўлган, шунингдек уларга хизмат кўрсатувчи бўлинмаларнинг харажатлари тушунилади”[8].

Мамлакатимизнинг бошқа иқтисодчи олими С.Н.Ташназаров эса, умумишлаб чиқариш харажатларини “устама ишлаб чиқариш харажатлари”, деб изоҳлаган ҳолда бухгалтерия ҳисобида ушбу харажатларни икки гуруҳга ажратиш лозимлигини қайд этади: доимий устама ишлаб чиқариш харажатлари ва ўзгарувчан устама ишлаб чиқариш харажатлари[9]. Олимнинг таъкидлашича, корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатмайдиган харажатларни доимий устама ишлаб чиқариш харажатларига кирди. Шунингдек, корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши

ёки камайиши натижасида билвосита харажатларнинг мос равишда кўпайиши ёки камайиши ўзгарувчан устама ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади, деб таъкидланган.

Б.Бороновнинг илмий тадқиқот ишида ёғ-мой тармоқлари корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатлари таркиби белгилаб берилган бўлиб, бундай харажатлар таркибига моддий харажатлар, меҳнат ҳақи харажатлари, коммунал харажатлар ва бошқа харажатлар қуйидагилар киритилган[10]. Олимнинг тадқиқот ишига мувофиқ, ёғ-мой саноати корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқаришнинг режали таннархи усулида тақсимлашда, даставвал маҳсулот гуруҳлари бўйича ушбу усулда тақсимланиши лозим. Иккинчи босқичда эса, ёғ-мой маҳсулотларининг турлари бўйича уларнинг ҳақиқий таннархида тайёр маҳсулотлар таннархига тақсимланиши лозим, деб ҳисоблайди. Тавсия этилган ушбу жараёнлар, яъни умумишлаб чиқариш харажатларини халқаро тажрибаларга мувофиқ тавсия этилган икки босқичда маҳсулот таннархига олиб бориш усули ёғ-мой саноати корхоналарида муҳим аҳамият касб этиб, бухгалтерия ҳисоби услубиятини халқаро тажрибаларга мувофиқ ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилган. Бироқ, ушбу усулни хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат таълим ташкилотлари амалиётига жорий этишнинг қанчалик тўғри эканлигини тадқиқот натижаларида кўриб чиқамиз.

Д.С.Ташназарова эса, умумишлаб чиқариш харажатларини устама ишлаб чиқариш харажатлари сифатида тавсифлаб, ишлаб чиқариш корхоналари мисолида ушбу харажатларнинг тайёр маҳсулотлар таннархига олиб боришнинг замонавий усулларини тавсия этган[11]. Демак, олима томонидан бажарилган илмий тадқиқот ишида устама ишлаб чиқариш харажатларини бир неча таъсир этувчи омилларга таснифлаган ҳолда ҳар бир ишлаб чиқариш бўлимларига тақсимлаш бўйича ёндашувлар қўллаб-қувватланган.

Юқорида иқтисодий адабиётларда ҳамда маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан эътироф этилган таъриф ва тавсифлардан кўриш мумкинки, умумишлаб чиқариш харажатлари корхоналар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланиб, тайёр маҳсулот, иш ва хизматлар таннархига билвосита усулда таъсир қилади.

Халқаро таълимотда келтирилган формулага мувофиқ, корхоналарда маҳсулот таннархи қуйидагича аниқланади:

$$\text{Маҳсулот таннархи} = (\text{бевосита материал харажатлари} + \text{бевосита меҳнат ҳақи бўйича харажатлар} + \text{умумишлаб чиқариш харажатлари}) / \text{ишлаб чиқарилган бирлик миқдори} (1)[12]$$

Ушбу формуладан кўриш мумкинки, умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобот ойининг охирида корхонада амалга оширилган бевосита харажатларга қўшилиб, ундан сўнг ушбу ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган барча маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар бирлигига тақсимланади.

Тадқиқот методологияси. Нодавлат таълим ташкилотларида харажатларнинг таълим хизматлари таннархига таъсири ва ҳисобини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишларида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Олиб борилган тадқиқотлар давомида умумишлаб чиқариш хўжалиги таркиби ва ушбу хўжалик таркибидаги бўлимларда умумишлаб чиқариш харажатларининг улушини ташкилотларнинг амалий мисоллари орқали тадқиқ этиб чиқдик:

1-жадвал

“Истиқболли таълим” нодавлат таълим ташкилотиде умумишлаб чиқариш харажатлари таркиби таҳлили¹

2024 йил сентябрь ойида, минг сўмда

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Харажатлар таркиби	Умумишлаб чиқариш хўжалиги, шундан:	Ошхона бўлими	%	Таъминот бўлими	%	Тиббиёт бўлими	%	Назорат бўлими	%
1. Моддий харажатлар	342 378	320 531	94	6 334	2	14 673	4	840	0
2. Меҳнат ҳақи харажатлари	109 850	77 482	71	13 776	13	10 752	9	7 840	7
3. Бошқа харажатлар	64 050	52 760	82	3 680	6	860	1	6 750	11
<i>3.1. Асосий воситалар амортизацияси</i>	<i>16 210</i>	<i>4 920</i>	<i>30</i>	<i>3 680</i>	<i>23</i>	<i>860</i>	<i>5</i>	<i>6 750</i>	<i>42</i>
<i>3.2. Коммунал тўловлари</i>	<i>47 840</i>	<i>47 840</i>	<i>100</i>	<i>0</i>	<i>0</i>	<i>0</i>	<i>0</i>	<i>0</i>	<i>0</i>
Жами умумишлаб чиқариш харажатлари	516 278	450 773	87	23 790	5	26 285	5	14 530	3

Тадқиқотлар асосида биз томонимиздан тадқиқ этилган ҳамда ушбу жадвал кўринишида ифодаланган умумишлаб чиқариш харажатларининг бўлимлар кесимидаги улушини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, нодавлат таълим ташкилотларида умумишлаб чиқариш хўжалиги амалга оширилган харажатлар тўртта бўлимда амалга оширилган бўлиб, ушбу бўлимлар бўйича амалга оширилган харажатлар таркиби уч қисмга ажратилди: моддий, меҳнат ҳақи ва бошқа харажатлар.

Иккинчидан, умумишлаб чиқариш харажатлари таркибида моддий харажатлар улуши бошқа харажат турларига нисбатан кўпроқ ҳиссани ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткич ошхона бўлимида фойдаланиладиган озиқ ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобидан келиб чиққан бўлиб, ушбу маҳсулотлар сарфи нодавлат таълим ташкилотларида энг катта харажатлардан бири ҳисобланади. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар бўйича таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ошхона бўлимидаги моддий харажатлар, яъни озиқ ва ноозиқ овқат маҳсулотлари бўйича харажатлар жами умумишлаб чиқариш харажатларининг 62 %ни ташкил этмоқда.

Учинчидан, юқорида келтирилган жадвал кўринишидаги бухгалтерия ҳисоби маълумотларини таҳлил қилиш асосида айтиш мумкинки, нодавлат таълим ташкилотларида умумишлаб чиқариш хўжалиги таркибида ошхона бўлими бўйича амалга оширилган барча турдаги харажатлар бошқа бўлимлар бўйича амалга оширилган харажатларга нисбатан анчагина салмоқли ҳиссани ташкил этмоқда. Бу шуни англатадики, нодавлат таълим ташкилотларида ошхона бўлими бўйича харажатлар таълим хизматлари таннархига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Бироқ, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, нодавлат таълим ташкилотларининг амалдаги бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан умумишлаб чиқариш харажатларининг бўлимлар кесимидаги таъсирини аниқлашнинг деярли имконияти йўқ. Чунки, амалдаги 21-сон БХМС таркибидаги сўтлар режасида фақатгина ягона 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” сўти келтирилган бўлиб, мазкур сўтнинг таркибида бошқа сўтлар назарда тутилмаган.

Юқорида қайд этилган долзарб масалалардан келиб чиқиб, ушбу тадқиқот ишимизда нодавлат таълим ташкилотларида умумишлаб чиқариш харажатларининг аҳамиятлилигидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек умумишлаб чиқариш харажатларига таъсир этувчи моддаларнинг қайси бўлимлар таъсирида шаклланганлигини аниқлаш ҳамда

уларнинг ҳисобини бухгалтерия ҳисобида алоҳида акс эттириш мақсадида 21-сон БҲМС таркибидаги счётлар режаси бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқдик. Фикримизча, ушбу бухгалтерия ҳисоби счёти таркибини нодавлат таълим ташкилотларида қуйидагича акс эттириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

2-жадвал

Нодавлат таълим ташкилотларида умумишлаб чиқариш харажатларини бухгалтерия ҳисоби счётлар режасига акс эттириш бўйича тавсиялар¹

2510	Ошхона бўлими бўйича амалга оширилган умумишлаб чиқариш харажатлари
2520	Таъминот бўлими бўйича амалга оширилган умумишлаб чиқариш харажатлари
2530	Тиббиёт бўлими бўйича амалга оширилган умумишлаб чиқариш харажатлари
2540	Назорат бўлими бўйича амалга оширилган умумишлаб чиқариш харажатлари

Биз томонимиздан тавсия этилган ушбу счётлар режаси нодавлат таълим ташкилотларида умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишга муҳим ҳисобланиб, ушбу счётлар режасининг амалда қўлланилишини қуйидаги операциялар орқали ёритиб берамиз:

3-жадвал

“Истиқболли Таълим” нодавлат таълим ташкилотида амалга умумишлаб чиқариш харажатларини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга оид тавсия этилган счётлар тизимининг қўлланилиши²

2024 йил сентябрь ойида, минг сўмда

Т/р	Бухгалтерия операциялари	Бухгалтерия ёзувлари		Харажатлар миқдори
		Дебет	Кредит	
Амалга оширилган моддий харажатлар				
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари ошхона бўлимига топширилди	2510	1021	275 331
2	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ошхона бўлимига топширилди	2510	1022	45 200
3	Дори воситалари тиббиёт бўлимига топширилди	2530	1023	13 622
4	Тиббиёт бўлимига сарфланган тиббий буюмлар ой охирида харажатларга берилди	2530	1024	1 051
5	Таъминот бўлимига сарфланган ёқилғилар харажатларга берилди	2520	1025	6 334
6	Назорат бўлимига сарфланган бошқа билвосита материаллар харажатларга берилди	2540	1026	840
Жами амалга оширилган моддий харажатлар				342 378
Амалга оширилган меҳнат ҳақи бўйича харажатлар				
1	Ошхона бўлими ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи	2510	6710	69 180

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

2	Ошхона бўлими ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи бўйича ижтимоий солиқ	2510	6510	8 302
3	Таъминот бўлими ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи	2520	6710	12 300
4	Таъминот бўлими ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи бўйича ижтимоий солиқ	2520	6510	1 476
5	Тиббиёт бўлими ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи	2530	6710	9 600
6	Тиббиёт бўлими ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи бўйича ижтимоий солиқ	2530	6510	1 152
7	Назорат бўлими ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи	2540	6710	7 000
8	Назорат бўлими ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи бўйича ижтимоий солиқ	2540	6510	840
Жами амалга оширилган меҳнат ҳақи бўйича харажатлар				109 850
Амалга оширилган бошқа харажатлар				
1	Ошхона бўлими томонидан фойдаланиладиган асбоб-ускуналар амортизацияси бўйича харажатлар	2510	0230	4 920
2	Таъминот бўлими ходимлари томонидан фойдаланиладиган транспорт воситаларининг амортизацияси бўйича харажатлар	2520	0250	3 680
3	Тиббиёт бўлими мебелларининг амортизацияси бўйича харажатлар	2530	0240	860
4	Назорат бўлимида фойдаланиладиган компьютерларнинг амортизацияси бўйича харажатлар	2540	0250	6 750
5	Электро-энергия тўловлари	2510	6990	28 420
6	Сув ва оқова тўловлари	2510	6990	8 930
7	Табийий газ тўловлари	2510	6990	7 990
8	Чиқиндиларни ташиш тўловлари	2510	6990	2 500
Жами амалга оширилган бошқа харажатлар				64 050
Жами амалга оширилган умумишлаб чиқариш харажатлари				516 278

* 2510, 2520, 2530, 2540-счётлар номи 3-жадвалда ифодаланган.

Нодавлат таълим ташкилотларига тавсия этилган ушбу бухгалтерия ёзувлари умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳар бир умумишлаб чиқариш бўлими бўйича аналитик ҳисобини юритишга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, таълим хизматларини кўрсатиш натижасида амалга оширилган харажатларни таълим хизматлари таннархига олиб боришга кўмаклашади. Шунингдек, юқорида биз томонимиздан ишлаб чиқилган бухгалтерия ёзувлари умумишлаб чиқариш хўжалиги таркибидаги бўлимлар бўйича харажатлар таъсирини ўрганишга ва бу орқали таълим хизматлари таннархини оптимал бошқаришга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида юқоридаги тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда умумишлаб чиқариш харажатларининг таълим хизматлари таннархига таъсири ва ушбу билвосита харажатларнинг таълим хизматлари таркибидаги улушини нодавлат таълим ташкилотларининг амалий мисоллари орқали тадқиқ этдик:

4-жадвал

“Истиқболли таълим” нодавлат таълим ташкилотида амалга оширилган бевосита ва билвосита харажатларнинг таълим хизматлари таннархига таъсири таҳлили¹

2024 йил сентябрь ойида, минг сўмда

№	Харажатлар таркиби	Тўғридан-тўғри харажатлар	%	Умумишлаб чиқариш харажатлари	%	Таълим хизматлари таннархига таъсири
1	Моддий харажатлар	12 802	4	342 378	96	355 180
2	Меҳнат ҳақи харажатлари	468 966	81	109 850	19	578 816
3	Бошқа харажатлар	143 380	69	64 050	31	207 430
Жами амалга оширилган харажатлар		625 148	55	516 278	45	1 141 426

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, таълим хизматлари таннархига моддий ва меҳнат ҳақи харажатлари тўғридан-тўғри ҳамда умумишлаб чиқариш харажатлари таркиби орқали ўзига хос таъсир этади.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматлари таннархини ташкил этувчи ҳамда таълим хизматлари таннархига таъсир этувчи харажатлар, хусусан бевосита ва билвосита харажатлар ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, уларнинг ҳисобини тадқиқ этиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу ташкилотларда амалга ошириладиган харажатлар таркибида умумишлаб чиқариш харажатларининг улуши жами харажатларга нисбатан анчагина салмоқли ҳиссани ташкил этади. Бошқа тармоқ субъектларида анчагина паст даражада бўлган ушбу кўрсаткич таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ташкилотда амалга оширилган жами харажатларнинг қарийб тенг ярмини ташкил этмоқда.

Иккинчидан, нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматлари таннархига моддий харажатларнинг улуши анчагина аҳамиятли ҳисобланиб, ушбу харажат моддаси ҳам айнан умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Учинчидан, бугунги кунда нодавлат таълим ташкилотларида умумишлаб чиқариш харажатлари таълим хизматлари таннархининг асосий ҳиссасини ташкил этади. Ушбу харажатлар ҳисобини бухгалтерия ҳисобида атрофлича ёрқин акс эттириш, шунингдек нодавлат таълим ташкилотларида бошқарув ҳисоботларини ишлаб чиқишда умумишлаб чиқариш харажатларининг таъсирини яққол кўрсатиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки, ҳар бир ташқи ва ички ахборот фойдаланувчи ишлаб чиқарадиган ёки хизмат кўрсатадиган маҳсулотларининг таннархига қизиқиши табиий бўлиб, уларга таъсир этувчи омилларни доимий равишда назорат қилиб бориши лозим.

Бизнинг фикримизча, нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматларини атрофлича ёритиб берувчи, бошқарув ходимларининг қарорлар қабул қилишлари учун зарур бўлган янги ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки, ушбу ҳисобот шакллари бугунги кунда нодавлат таълим ташкилотларида амалга ошириладиган харажатлар устидан тўлиқ назорат ўрнатишга, таълим хизматлари таннархини самарали

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

бошқаришга, бошқарув қарорларини тўғри қабул қилишга, шунингдек молиявий, статистика ва солиқ ҳисоботларини тузиш ва тақдим этишга муҳим дастак бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим соҳасида хусусий сектор иштирокини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2024 йил 22 ноябрь. ПҚ-403-сон.
2. 2-сон БҲХС (IAS) “Захиралар (Inventories)”
3. Россия Федерацияси саноат, фан ва технология вазирлигининг “Маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини режалаштириш, ҳисобга олиш бўйича услубий регламентни тасдиқлаш тўғрисида ҳамда кимё мажмуаси корхоналарида маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини ҳисоблаш”ги буйруғи. 2003 йил 4 январь. 2-сон.
4. Hermanson, Edwards, and Ivancevich. Accounting Principles: Managerial Accounting. A Textbook Equity Open College Textbook. 2011, 944 pages. https://textbookequity.org/Textbooks/TBQ_PA_Accounting_managerial.pdf
5. Drury C. Management and Cost Accounting, 10th Edition Colin Drury. Annabel Ainscow. ISBN: 978-1-4737-4887-3. 2017.
6. <https://glavkniga.ru/situations/k502723>
7. Ильина А.В., Ильшева Н.Н. Управленческий учет. Учебное пособие. - Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2016. – 180 с.
8. Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi” -2021, 560 бет. 295-бет.
9. Ташназаров С.Н. Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1. Дарслик. Самарқанд: “Step-Sel” МЧЖ нашриёти, 2023, -580 бет. 380-бет.
10. Боронов Б.Ф. Ёғ-мой маҳсулотлари ҳисоби методологиясини такомиллаштириш. –Т.: ТМИ, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2023, 244 б.
11. Ташназарова Д.С. Корхоналарда маҳсулот таннархи ҳисобини такомиллаштириш. –Т.: ТДИУ, иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2023, 129 б.
12. <https://entersoft.com.vn/en/tai-chinh-ke-toan/chi-phi-san-xuat-la-gi#:~:text=General%20production%20cost%20refers%20to,management%2C%20maintenance%2C%20and%20more.>